


* Портрет-


* Инсон ташқи қиёфасини ички дунёси билан тасвирлаш.

Турлари







Симметрия чизиғини оч тусда чизинг, чизик юқорисига катта ва пастки қисмига кичик ёй чизинг. Катта ёйдан кичик ёйгача бўлган масофани тенг уч бўлакка бўлиб нукта белгиланг.



Биринчи чизикда қош ва қулоқни юқори қисми, иккинчи чизикда, бурун ва қулоқнинг пастки қисми чизилади. Қош билан бурунгача ва бурундан даҳангача бўлган оралиқни тенг иккига бўлиб ёрдамчи чизик чизинг.



Бошнинг юқори чегара чизиғини қош билан бурун оралиғини ярим ўлчамида белгилаб нукта қўйинг. Қош билан бурун оралиғи ўлчамини тенг ярмини яна тенг иккига бўлиб кўзни чизиш учун ёрдамчи чизик чизинг ва кўз тасвири учун нукта белгиланг. Худди шундай бурун билан даҳан оралиғи ўлчами тенг ярмини яна тенг иккига бўлиб лаб учун ёрдамчи чизикча чизинг.



**Белгиланган нуқталарга кўзни ва
лабни чизиб жойлаштиринг.**


**Бошни юқори қисми чегара чизиғини
бирлаштириб қўйинг.**

Ҳаракатдаги одам, спортчи гавдасини график усулда тасвирлаш

Ҳаракатдаги одам гавдасини тасвирлаш учун, инсон гавдасининг қандай ўлчамлар асосида тасвирланиши ҳақидаги маълумотларни билиб олишимиз, ўрганишимиз зарур бўлади.

Қадимги Миср рассомлик мактаби инсон гавдасини бўй баробар тасвирлашда ўлчам сифатида қўлнинг ўрта бармоғини 19 марта ўлчаб олиш услубига таянган. Бунда инсон бош узунлиги 3 та ўрта бармоқ узунлигига тенг бўлган.

Эрамиздан аввалги V асрда қадимги юнон ҳайкалтароши Поликлет инсон гавдасини тасвирлашда тақсимлаш пропорцияси сифатида бош ўлчамидан фойдаланганлиги манбаларда келтирилади. Бугунги кунда рассомлар томонидан катта одам гавдаси тасвирланганда бош ўлчамини 8 баробар белгилаш кераклиги назарда тутилади. Америкада чоп этилган муаллиф Lee Hammondнинг Draw Fashion Models китобида инсон гавдасини тасвирлаш учун бош ўлчами 8 баробар олингани кўрсатилганлиги бунга мисол бўла олади.



1.


2.

3.


4.

Инсон гавдасини чизиш нисбатлари

1. Қадимги Мисрда ишлаб чиқилган инсон гавдасининг нисбатлари тасвири.
2. Юнонда ишлаб чиқилган инсон гавдасининг нисбатлари тасвири.
3. Lee Hammondning инсон гавдасини чизиш нисбатлари тасвири.
4. Россия мутахасислари томонидан инсон гавдасининг чизиш нисбатлари қуйидагича берилган.




Хитой рассомлари томонидан инсон гавдасини чизиш нисбатлари.



Хитой замонавий тасвирий санъатида инсон гавдасининг нисбатларини чизиш методлари куйидагича тавсия этилган.

Юқоридаги расмда бош ўлчами 5 баробар олинган мактаб ёшидаги боланинг турли ҳаракатдаги ҳолатлари берилган. Юқорида берилган рассомлар томонидан инсон гавдасини чизишнинг ўзига хос методларини ўрганиб шундай хулоса қилиш мумкинки, агар биз 6-синф ўқувчисини гавдасини чизмоқчи бўлсак, бош ўлчамини 6 баробар, катта одам гавдасини чизмоқчи бўлсак, бош ўлчамини 8 баробар ўлчаб олишимиз керак бўлар экан. Юқоридаги ва куйидаги чизиш қонун қоидаларига таянган ҳолда ҳаракатдаги спортчи гавдасини график усулда чизинг!

ИНСОН ГАВДАСИНИ ЧИЗИШ НИСБАТЛАРИ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ





**ИНСОН ГАВДАСИНИ ҲАЙКАЛТАРОШЛИКДА НИСБАТЛАР БЎЙИЧА
ИШЛАШ**

